

АТАЕВ Муслим Рихсевич
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
докторанти, тарих фанлари номзоди

ҚАДИМГИ ДАВР ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА УСТРУШАНАДАГИ СИЁСИЙ-ИЖТИМОЙ ҲАЁТ

ОБЩЕСТВЕННО- ПОЛИТИЧЕСКАЯ ЖИЗНЬ В УСТРУШАНЕ В ДРЕВНОСТИ И РАННЕМ СРЕДНЕВЕКОВЬЕ

SOCIAL AND POLITICAL LIFE IN USTRUSHAN IN THE ANCIENT AND EARLY MIDDLE AGES

Аннотация: Мақолада Уструшана мамлакатининг қадимги давр ва ўрта асрлардаги мавқеи, у ерда кечга ижтимоий-сиёсий ҳодисалар баён қилинган. Уструшана қадимдан Ғарб ва Шарқни бир-бирига боғловчи Буюк Ипак йўлида жойлашган тараққий этган макон бўлганлиги боис ҳар бир даврда бу ўлкага ҳужумлар бўлиб турганлиги ва араб ва мўғуллар истилосига қарши уструшаналикларнинг курашлари ҳақидаги маълумотлар тизимли берилган. Шунингдек, Уструшананинг тарихий-географик жойлашуви, аҳолисининг урф-одалари, ҳўжалик тутуми ва афшинлар шажараси ҳамда юнон, хитой, форс ва араб манбаларидаги бу мамлакат ҳақидаги маълумотлар атрофлича таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Уструшана, афшинлар, мўғул истилоси, Дизак, сиёсий вазият, минтақа, Сирдарё орти, уструшаналиклар, Бунджикат, саклар.

Аннотация. В статье описывается положение государства Уструша в древнее и раннее средневековье, а также социальные и политические события, происходившие там. Поскольку Уструшана с незапамятных времен была прогрессивным пространством на Великом Шелковом пути, соединявшем Запад и Восток, в каждый период на эту землю совершались нападения, и систематически приводится информация о борьбе уструшан против арабских и монгольских нашествий. Также были тщательно проанализированы историко-географическое положение Уструшаны, обычаи ее жителей, экономической совокупности и генеалогии афшинцев, а также сведения об этой стране в греческих, китайских, персидских и арабских источниках.

Ключевые слова: Уструшана, афшинцы, монгольское нашествие, Дизак, политическая ситуация, регион, Сырдарьинский хребет, уструшанцы, Бунджикат, сакс.

Annotation. The article describes the state of Ustrush in the ancient and early Middle Ages, as well as the social and political events that took place there. Since Ustrushana has been a progressive space on the Great Silk Road connecting the West and East since time immemorial, attacks have been made on this land in every period, and information is systematically given about the struggle of the Ustrushana against the Arab and Mongol invasions. The historical and geographical position of Ustrushana, the customs of its inhabitants, the economic aggregate and genealogy of the Afshins, as well as information about this country in Greek, Chinese, Persian, and Arabic sources, were also carefully analyzed.

Keywords: Ustrushana, Afshians, Mongol invasion, Dizak, political situation, region, Syrdarya Range, Ustrushans, Bunjikat, Saks.

КИРИШ

Қадимги давр ва илк ўрта асрларда Уструшанада кечган ички сиёсий-ижтимоий ҳаёт ва унинг ташқи алоқаларини батафсил баён қилиш мушкул масаладир. Чунки қадимий ёзма манбаларда улар ҳақидаги маълумотлар анча тақчил. Юнон манбаларида кўрсатилишича, милoddан аввалги биринчи минг йилликда мазкур минтақада сак (скиф)лар деб аталган аҳоли яшаган. Шу билан бирга, минтақа аҳолиси ўзи истиқомат қилган жой номига қараб хоразмийлар, суғдийлар, марғиёнийлар ва парканликлар каби номлар билан ҳам аталган [1:6].

Қадимги Эрон эпитафик манбалари, Юнон ва Рим тарихчиларининг асрларида қайд этилишича, милoddан аввалги 546-539 йиллар атрофида Марказий Осиёнинг Сирдарё ҳавзаларигача бўлган ҳудудлари Аҳмонийлар томонидан забт этилган. Марказий Суғднинг таркибий қисми сифатида қадимги Уструшана ҳудуди ҳам Аҳмонийлар империясининг “бактрияликлардан то Эглар еригача” бўлган ҳудудни ўз тобелигига олган XII сатраплиги тасарруфида бўлган. Ёзма манбаларда Кир II томонидан империянинг шимолий чегараларини мустаҳкамлаш мақсадида етти та шахар курдирилганлиги ва бу шахарларнинг иккитасида Кир номи бўлиб, биринчиси

Киропол ва иккинчиси Газадир экани таъкидланади [2:144-145].

АСОСИЙ ҚИСМ

Милоддан аввалги III-II асрларда Александр Македонский бошчилигидаги юнон-македон қўшинлари Марказий Осиёдаги ҳарбий юришларини Суғд воҳасидан сўнг Уструшанада давом эттиради [3:521]. Александр қўшинлари Мароқанд ва унинг атрофидаги кишлоқларни ўзига тобе қилгандан сўнг Уструшана оркали Сирдарё томон юриш қилади. Антик давр муаллифи Юстиннинг [4:78] асарида Александр Бактрия ва Суғдиёнада барпо қилган етти шаҳардан бири Яксарт (Сирдарё) дарёси бўйига қурилган Александрия Эсхата бўлган. У етти кунда қурилгани ва деворларининг айланаси олти минг қадам бўлгани қайд этилган [5:96]. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, у ҳозирги Хўжанд шаҳри ўрнида қурилган. Лекин айрим олимлар, жумладан, М.М.Лютовга кўра, Александрия Эсхата шаҳри айнан ҳозирги Хўжанднинг ўрнида эмас, балки бугунги Бекободга яқин жойда қурилган [6:17].

Антик давр муаллифи Аррианнинг “Александрнинг юриши” асарида ёзишича, бу вақтда Уструшанадаги еттита шаҳарда исён кўтарилиб, юнон-македон қўшинлари икки кун ичида Газа ва унинг яқинидаги тўртта шаҳарни таслим қилган. Уструшанадаги энг йирик ва муҳим сиёсий-маъмурий аҳамиятга эга бўлган шаҳарлардан бири Кирополга юзланади. Қўшин мудофаа истеҳкомлари ва кўп минг кишилиқ жанговар ҳимоячиларнинг катта қаршилигига учрайди. Сўнг махсус гуруҳ тузиб, шаҳар ичкарасига ёриб киради. Кирополнинг ўзида 8 минг аҳоли қириб ташланади. Урушга яроқли бўлган 18000 киши қалъага кириб беркинади, аммо улар ҳам бир кунлик қамалдан сўнг сувсизликдан таслим бўладилар [7:134].

Квинт Курций Руфнинг “Александр Македонский тарихи” асарида Уструшананинг шимолий сарҳадидаги Киропол шаҳрини эгаллаш вақтида Александр оғир жароҳат олгани, шаҳар мудофаада маҳаллий аҳоли катта жасорат кўрсатгани ва бирон-бир шаҳар бу даражада македонияликларга қаршилиқ кўрсатмаганлигини баён этилган [8:273-279]. Птолемей Киропол шаҳри ўзи таслим бўлган, дейди. Аристотел эса, аксинча, у жанг билан

олинган ва Александр қўлга тушганларнинг барчасини қатл этган, дейди. Птолемей давом этиб, Александр ҳамма асирларни аскарларига бўлиб бергани ва Осиёдан чиқиб кетмагунча уларни кишанда сақлашни буюрганини хабар қилади [9:83-84].

Н.Н. Негматовнинг ёзишича, Александрга қарши қўзғолон кўтарганлар Уструшананинг текислик қисмида жойлашган Киропол, Газа, Бага, Куркат, Сабат, Шавкат ва Ховост аҳолиси бўлган [10:232-236]. А.А.Грицинага кўра, “... бу шаҳарлардан бири Хонтепа (Собот) бўлган” [11:117]. Босқинчиларга қарши қўзғолоннинг еттита шаҳарда келишилган вақтда бошланиши, сак қўшинларининг Сирдарё ортида ва Мароқандгача бўлган даштликларда уларга ёрдам учун тўпланиши ҳамда Мароқандда Спитамен бошчилигидаги қаршилиқ ҳаракатларининг айна бир вақтда кўтарилиши ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг умумий душманга қарши ҳамжихатликда курашганлигини кўрсатади. Бу ҳолат минтақада яшовчи икки хил хўжалиқ юритувчи аҳоли вакиллари ўртасида антик даврдан бошлаб дўстона муносабатлар мавжуд бўлганлигининг исботидир [12:43].

Александр Македонский вафотидан сўнг Дажла дарёсидан Сирдарёгача бўлган бепоён ўлкалар Салавкийлар давлати ихтиёрига ўтган эди. Қадимги Уструшананинг бу давлат таркибига киргани ёки акси ҳақидаги масала кизгин баҳсларга сабаб бўлаётган муаммолардан биридир. Қадимги даврларда Уструшанада салавкийларнинг таъсири сезиларли бўлган. Мазкур фикрни Рим энциклопедист олими Плиний (милодий II аср)нинг «Табиий тарих» асарида ёзилган маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Унинг таъкидлашича, Яксарт (Сирдарё) сакларининг юнон гарнизонларига қилган хужумига қарши салавкий Демодамант эраמידан аввалги III аср охирида катта ҳарбий юриш уюштиради. Сирдарё бўйидаги шаҳар – Александрия Эсхата бу пайтда салавкийларнинг таянч пункти бўлган. Демак, мил.авв. 312 йилда Уструшана Марказий Осиёнинг деярли барча маданий ўлкалари қатори Салавкийлар давлати (мил. авв. 312-250) таркибига қўшиб олинган [9:128-129]. Келтирилган маълумотларнинг кўпчилиги қисқа ва тарихий воқеаларнинг ривожини ҳам узук-юлуқ бўлганлиги сабаб, қадимги Уструшана тарихининг мукамал тасвирини яратиш анча қийин.

Милоддан аввалги 250 йилда аршакийлар сулоласи кўзғолон кўтариб, салавкийлардан ажралиб чиқади ва Парфия давлатига асос солади. Аршакийлар билан бир вақтда салавкийлардан ажралиб чиққан Юнон-Бактрия давлати тахминан мил. ав. 140-йилларда Хоразм атрофида жипселашиди [13:49]. Бу даврда Уструшана унга фақат номинал кўринишда тобеъ бўлган, яъни белгиланган бож ва хирож солиқларини тўлаб турган холос. Илк антик даврларда Уструшана Салавкийлар ва Юнон-Бактрия давлатларига сиёсий тобеликда бўлса ҳам, айрим соҳаларда ўз мустақиллигини сақлаб қолган. Хусусан, мамлакат бошлиқлари ҳукмдор давлат вакилларида эмас, балки маҳаллий зодагонлардан тайинланган [2:283].

Милодий 353 йилда хионийлар Уструшанага бостириб кирадилар. Дизак хионийлар томонидан истило қилинган дастлабки маданий воҳалар сирасига киради. Бу даврда нафақат Уструшанада, балки икки дарёси оралиғидаги бутун Ўрта Осиёда хионийларга муносиб қаршилик кўрсатадиган ҳарбий куч йўқ эди [14:5]. IV асрнинг 70-йилларидан Марказий Осиё ўлкаларида хионийлар ўзларининг ҳукмронлиқларининг узил-кесил ўрнатадилар. Сирдарё бўйларида Амударё хавзасигача чўзилган кенг минтақада хионийларнинг кучли давлати қарор топади. У 120 йилдан ортиқ фаолият кўрсатади [15:15].

V асрнинг иккинчи ярми-VI аср бошларида Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон, Хуросон ва Шимолий Ҳиндистонни бирлаштирган Эфталлийлар давлати ташкил топган. Эфталлийлар 479-510 йилларда Тохаристонга юриш қилганлар [16:129-140]. V асрнинг охирида Уструшана эфталлийлар давлати таркибига киради. Н.Н.Негматовнинг фикрича, Уструшана ҳукмдорларининг эфталлийларга нисбатан тобелиги фақат ўлпон тўлаш билан чекланган. Эфталлий подшоҳлар Уструшана афшинларининг ҳокимиятни бошқариш, хўжалик юритиш, ижтимоий-маънавий ҳаёт каби ички ишларига аралашмаганлар. Уструшананинг марказий, шимолий ва ғарбий вилоятларида ўтказилган археологик тадқиқотлар орқали маълум бўлишича, V-VI асрларда деҳқончилик воҳалари атрофига келиб ўрнашган эфталлий қабилаларнинг оммавий равишда ўтроклашуви бу даврда кучаяди. Бунинг исботларини Шахристонсой, Зоминсув,

Сангзор дарёси хавзасидаги ўша даврга оид қишлоқ ёдгорликлари мисолида кўриш мумкин [2:289].

Милодий VII асрнинг бошидан Уструшана турк хоқонлиги тасарруфидаги номинал мустақил давлат мақомида фаолият кўрсатган. Уларнинг иқтисодий ва сиёсий бошқарув тизими маҳаллий ҳукмдорлар тасарруфида қолдирилиб, туркийлар улардан фақат бож ва ясоқ ундириш билан чекланадилар. Турк хоқонлигининг Уструшана устидан ҳукмдорлиги заиф бўлиб, уструшаналиклар хоқонлик хазинасига мунтазам ўлпон тўламаганлар. Хитойда ҳокимият тепасига Тан сулоласи (618-907) келгандан сўнг Уструшана ҳукмдори 618-626 йилларда Хитой императори Гао-Цзу ҳузурига ўз элчиларини юборади ва ўзини унинг байроғи остида хизмат қилишга тайёрлигини билдиради” [17:132].

Милодий VII асрда араб истилоси Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихида катта бурилиш ясади [18:33]. Уструшана ҳудудида арабларнинг илк маротаба пайдо бўлиши халифа Муовия даврида (41/661-61/680) Хуросон волиий Саид ибн Усмон Мовароуннаҳрни фатҳ этган пайтга тўғри келади. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг таъкидлашича, 43/663 йили Саид ибн Усмон бошчилигидаги қўшин Самарқанд фатҳидан сўнг Уструшанага қараб юриш қилади. Шу қўшин таркибида Муҳаммад (с.а.в.)нинг амакиваччаси Қусам ибн Аббос (2/624 - 57/677) ҳам бўлган. Қўшин Уструшана қишлоқларидан бири – Ширакасга келиб, бир неча кун туриб қолган вақтда Қусам ибн Аббос вафот этади ва шу ерда жанозаси ўқилади. Сўнг унинг жасади шаҳар, яъни Самарқандга жўнатилади [19:528-529].

Арабларнинг Уструшанага иккинчи юришлари Мухаллаб ибн Суфра (78/697-82/701) қўмондонлигида амалга оширилган. Хўжандгача етиб борган ушбу қўшин шаҳар ва унинг атрофидаги маконларни талон-тарож қилади. Хуросоннинг навбатдаги ноиб Язид ибн Мухаллаб (в. 53-102/673-720) ва унинг ўғли Мухаллад даврида Уструшананинг тоғларида жойлашган ноҳиси Буттам истило қилинади. Аммо орадан озгина вақт ўтиб, Буттам аҳолиси кўзғолон кўтаради ва араблар томонидан қолдирилган гарнизонни ҳайдаб юборади. Ал-Балазурий асарида VII асрнинг сўнгги чорагида арабларнинг Уструшана

минтақасига қилган биринчи юришлари, VIII аср бошларида Хуросоннинг Уммавий ҳокими Қутайба ибн Муслим ал-Бохилий (85/704-96/715)нинг истилочилик ҳаракатлари баёни берилган [2:296]. Мазкур даврда Жаҳма ибн Заҳр қўшинлари томонидан Буттам қайтадан бўйсундирилади, у ердан катта миқдорда бойлик, жумладан олтиндан ясалган буюмлар ва санамлар олиб кетилади [17:133].

Ибн Ҳавқал ва ал-Истахрийнинг таъкидлашича, бу даврда Уструшананинг нафақат текислик ҳудудларида жойлашган аҳоли манзилларига, балки тоғ, тоғ олди ҳудудларидаги шаҳар ва қишлоқларга ҳам ҳужумлар қилинган. Қутайба ибн Муслим Минк қалъасида қора либос кийган одамлар билан жанг қилган, ал-Афшинни қамал қилган. Баъзи мутахассислар Минкда қамал қилинган ал-Афшинни IX асрнинг 20-30 йиллари халифа Муътасим даврида хизмат қилган Уструшана валиаҳди Ҳайдар ал-Афшин билан чалкаштириб, ўрта аср муаллифларини хатога йўл қўйганликда гумон қилишади. Аслида эса муаллифлар хато қилишмаган, балки Минкда қамал қилинган афшин Уструшананинг бошқа ҳукмдори Ҳайдар ал-Афшиннинг аждоди бўлган [20:60; 2:300].

Қутайба ибн Муслим 94/712-713 йилда Самарқандни босиб олганидан сўнг Уструшана, Тошкент, Фарғонага юриш бошлайди. Араб истилосига қарши Турк ҳоконлиги, Суғднинг арабларга бўйсунмаган шарқий қисми, Чоч ва Фарғонадан иборат коалицияси тузилади [21:29]. Суғд томонидан бу иттифокка ўзини “Самарқанд тахтига даъвогар” деб билган Деваштич бош бўлади. Бу воқеалар баёни Муғ архивидан топилган А-14 ҳужжатида [22:228-236] 94/712 йилдаги “Самарқанд шартномаси”, Гуракнинг арабларга таслим бўлиши, Панч ҳокими Деваштични арабларга қарши курашда ташаббускорлиги, ўз элчиси Фатуфарнни Чоч ва Фарғонага, улар орқали Турк ҳокони ҳузурига жўнатгани, Фатуфарннинг Чочга келиши, Чоч тудуни ва унинг ёрдамчиси билан музокара олиб боргани, Панчга қайтишида Уструшана араблар қўлига ўтиб, йўли бекилиб қолганлиги ҳақидаги хат мазмунида ўз аксини топган. Шуниндек, Фатуфарн хатида Уструшана вилояти тўлиқ душманга топширилгани, шу сабаб орқага қайтолмасдан, Чочга кетганлигини маълум қилган [23:7]. Бундан шундай хулоса чиқариш

мумкинки, Фатуфарн Деваштич ҳузуридан Чоч томон йўлга тушганда бу ҳудудлар хали мустақил бўлган.

Арабларнинг Уструшанадаги биринчи катта жанги Дизак яқинида – Илонўтти сойида Турк ҳоконлиги қўшини билан содир бўлган. Унда ғалабани қўлга киритган Қутайба ибн Муслим Минкдаги “қора кийимлилар” (дахлар) билан жанг қилади. Қутайба қўшини Дизакнинг ҳимоя деворини вайрон қилади, Бурнамад, Зомин, Шағар, Сабот сингари шаҳарлар ҳам қўшин зарбига дош бера олмади. Уструшана таслим бўлди, қимматбаҳо зебу зийнатлар ва олтинлар халифалик марказига олиб кетилди [10:219-220]. 95/713-714 йилга келиб, Қутайба ибн Муслим Шошга юриш уюштиради, орадан бир йил ўтиб, Қошғар ва Хитой томон юришни режалаштиради [24:144-149].

Хуросон ноиби Асад ибн Абдуллоҳ ал-Қушайрий даврида (117-121/735-738) Хутталон вилояти ҳокими Бадр-Тархон, Турк ҳокони ва Уструшана афшини Хара Буғро бошлиқ бирлашган қўшин арабларнинг Хутталон вилоятини забт этишига қарши Амударё ёқасида жанг бўлади. Бу урушда аввал иттифокчиларнинг ва сўнг арабларнинг қўли баланд келади. Иттифокчиларнинг мағлубиятидан сўнг Асад ибн Абдуллоҳ Хутталонни тўлиқ эгаллайди. Хуросон ноиби Наср ибн Сайёр (120/738-130/748) Уструшана афшини Хара Буғронинг Хутталон вилояти мудофаа жангларида иттифокчи қўшин таркибида қатнашганини баҳона қилиб, 121/739 йилда Уструшанага қўшин юборади. Ал-Балазурийнинг фикрича, арабларнинг бу юриши мувофақиятсиз якунланган, аммо ат-Табарийнинг ёзишича, арабларнинг қўли баланд келиб, Уструшана ҳукмдори Хара Буғро Наср ибн Сайёрга енгилди ва унга ўлпон тўлайди ҳамда Қурсул қўмондонлигидаги турк қўшинларига қарши Сирдарё кечувида бўлган жангда уструшаналикларни араб қўшинлари таркибида жанг қилишига изн беради [25:226-227; 17:140-150].

131/749 йилда хитойликларнинг Уструшанага юриши натижасида мамлакат араблар билан Танг сулоласи ўртасидаги кураш майдонига айланади. Қарлуқларнинг халифалик кучлари билан бирлашиб, Танг империяси билан 133/751 йилдаги Талас жангида хитойликлар енгилгандан сўнг Уструшана араблар томонидан тўлиқ забт этилади [26:18; 27:3].

VIII асрнинг 80-йилларида Уструшанада мамлакат афшини бошчилигида арабларга қарши қўзғалонлар бошланади. Хуросон ноиблигига бармакийлар хонадони вакили Фазл ибн Яхё (178/794-179/795) тайинлангандан сўнг тинчлик қарор топади. Мазкур даврда Уструшанада ҳукмронлик қилган Жононхўра ва баъзи бир манбаларда Харахўра исмли афшин Хуросон ноиби ҳузурига келиб, унга тобеъ эканлигини эътироф этади. Бу ҳақда Хондамир “Равзат ас-сафо” асарида: “Асрушана ҳукмдори шу пайтгача ҳеч кимга бўйсунмаган эди, у ҳам Фазл олдида келди ва тобъелигини билдирди”, деб ёзади [17:138; 2:307].

Уструшананинг кейинги давр ижтимоий-сиёсий ҳаёти Ўрта Осиёнинг бошқа маконлари каби асосан Араб халифалигининг юришларига қарши курашлар, улар билан олиб борилган дипломатик алоқалар тарихидан иборат. Мазкур даврда Уструшана афшини аббосийлар халифалигида шуҳрат қозонган лашкарбоши Ҳайдар ал-Афшиннинг отаси Ковус эди. Араб истилочилари Ковусни халифалик билан Уструшана ўртасида тузилган шартномани бузганликда, ал-Маъмун хазинасига кам хирож тўлаганликда айблайдилар. Бу пайтда Уструшана афшини хонадони ўғиллари ўртасида ҳам турли низолар юзага кела бошлаган эди. Манбаларда қайд этилишича, Ковуснинг Ҳайдар, Фазл, Хаша ва Рашид исмли тўрт ўғли бўлиб, улар ўзаро душманлик кайфиятида эдилар. Ковуснинг иккинчи ўғли Фазлнинг қайнотаси, афшин саройи иш бошқарувчиси, таниқли зодагон Тарадис катта ўғил Ҳайдарни обрўсизлантириш мақсадида унинг шаънига путур етказадиган гап-сўзларни тарқатарди. Чунки Тарадис ўз куёви Фазлни валиаҳд қилиш ниятида эди. Бундан қаттиқ дарғазаб бўлган Ҳайдар Тарадисга пойтахт Бунжикатнинг Кунб дарвозаси олдида ҳужум қилиб, уни ўлдиради. Мазкур воқеадан сўнг Ҳайдар Хуттал ҳукмдори Ҳошим ибн Мухаввар ҳузурига қочиб кетади ва отаси Ковусга бўлган воқеани хат орқали тушунтириб, уни ўзига оғдирмоқчи бўлади. Отасидан ижобий мазмундаги жавоб хатини олмагач, Ҳайдар халифалик пойтахти Бағдодга жўнайди [2:308-309].

Н.Н.Негматовга кўра, Бағдодда Ҳайдар ал-Афшин халифа ал-Маъмун қабулида бўлади, унга Уструшана мамлакатининг енгилмаслиги ҳақидаги фикрлар афсона эканлигини

тушунтиради. 207/822-йилда қисқа тоғ йўли орқали Аҳмад ибн Абу Холид ал-Ахвал бошчилигидаги катта қўшинни ўз ватанини забт этиш учун бошлаб келади. Бундан хабар топган Ковус туркийлардан ёрдам сўраб ўғли Фазлни жўнатади. Аммо туркийлар етиб келгунга қадар араб лашкарлари пойтахт Бунжикат деворлари олдида пайдо бўлади. Ковус кутилмаган тезликда пойтахтни қамалга олган ал-Ахвал қўшинлари олдида ожиз қолади ва таслим бўлади. Арабларга таслим бўлган Ковус ва ўғли Фазл Бағдодга жўнатилади. У ерда иккаласи ҳам ислом динини қабул қилади. Ковус Уструшана ҳукмдори сифатидаги мақомини сақлаб қолади. Ўғли Ҳайдар валиаҳд қилиб тайинланади ва халифа қўшинида хизматда қолади, ал-Муътасим (218/833-227/842) даврида халифаликнинг машҳур саркадаларидан бири бўлиб етишади [17:139].

Хуросон ва Мовароуннаҳрга 207/822 йилда Талха ибн Тохир ноиб этиб тайинланганидан сўнг араб халифалиги дипломатик муносабатлардан қоникмай, Уструшанага Аҳмад ибн Абу Холид ал-Ахвал бошчилигидаги қўшин юриш қилади ва Уструшана тамомила қайта истило қилиниб, халифалик таркибига қўшиб олинади [2:17, 308].

Сомонийлар даврида Уструшанада ҳукмронлик қилган афшинлар сулоласи 280/893 йилда тугатилади. Кейинги даврлар манбаларида келган Уструшана топоними сиёсий тузилма ёки давлатни эмас, балки муайян вилоятнинг географик номи сифатида қўллана бошлаган. Демак, Уструшана сомонийлар ва ундан кейинги давлатлар таркибидаги вилоят мақомини олган [28:92-93].

X асрда Сомонийлар давлати тугатилгач, мазкур асрнинг иккинчи ярмида Қорахонийлар давлати Амударёнинг юқори ва ўрта оқимларидан то Еттисув, шарқда эса Тарим дарёсигача бўлган катта ҳудудга эгалик қилади. Сотуқ Буграҳоннинг исломни қабул қилиши қорахонийларнинг ҳудудий кенгайишига йўл очади. 386/996 йилда Уструшана ҳудудини тўлиқ эгалланади [29:370].

Салжуқийлар даврида Уструшана ҳудуди қонли воқеалар майдонига айланди. 524/1130 йилнинг бошларида Султон Санжар тарафдорларидан хоқон Маҳмудхон ибн Муҳаммад Хўжанд яқинида Қорахитойлардан катта талофат кўради ва ёрдам сўраб Султон

Санжарга мурожаат қилади. 536/1141 йил июл ойида Хуросон қўшинлари Амударё орқали Самарқандга йўл олади ва Султон Санжар катта қўшин билан Қорахитойларга қарши ҳарбий юриш бошлайди [29:371; 30:99; 31:83].

Қорахонийлар ва салжукийларнинг бирлашган қўшини билан қорахитойларнинг қўшини Уструшана ҳудудидаги Ғубдин тоғининг шарқий бикинидаги Қатвон водийсида, Дарғом дарёсининг қирғоғида тўқнашган. Ушбу жангда салжукий Султон Санжар енгилиб, Хуросонга ўтиб кетади ва Қатавон қалъаси ҳам, Шийракас қишлоғи ҳам қабристонга айланади. Қатавон даштида ҳалок бўлган мусулмон жангчиларининг сони манбаларда 30 минг, 70 минг ва баъзи ўринларда ҳатто 100 минг деб кўрсатилади [32:38; 33:3-20]. Машҳур ҳанафий фақиҳи Бурҳонуддин Маҳмуд ал-Бухорийнинг амакиси Ҳусомуддин ас-Садр аш-Шаҳид душманлар билан жангда шу ерда ҳалок бўлади [32:38; 33:3-20]. Рус тарихчиси Л.Гумилёв, «бу ерга юнонлар ва салибчиларга қарши урушларда тобланган, ўша даврдаги энг яхши яроғлари билан қуролланган, мусулмон оламининг энг яхши жангчилари тўпланган эди», деб ёзади [34:186-191].

XII асрнинг охири-XIII аср бошларида салжукийлар ҳукмронлиги бутунлай барҳам топади [35:48]. Худуддаги исломнинг таянч давлати ўрнини Хоразм эгаллайди [36:87-89; 37:132-135]. Уструшана аҳолисининг кейинги тарихи хоразмшоҳлар ҳукмронлиги ва мўғуллар босқини билан боғлиқ.

Мўғулларнинг Улоқ нўён ва Сукету нўёнлар бошлиқ қўшин Уструшанага, 1220 йилнинг мартида Дизакга ҳужум қилади. Уруш олдида “ким қурол-аслаҳани ташлаб, мол-мулкни топширса, уларнинг тирик қолишини ато этамиз”, – деб жар солган мўғуллар чорловига ишонганлар, иккиланганлар бўлди. Тирик қолиш умиди билан қурол-аслаҳасини топширганлар кўпайгандан кўпайиб кетди. Чингизхон ўргатган бу усулга кўра, қуролини талаб қуролсиз қолган халқ устига ҳужум қилишди. Даҳшатли қирғин, даҳшатли қийқириқлар шаҳар ичида қолганларни ҳам ваҳимага солади. Ўлим шарпаси тобора яқинлашгани сайин шаҳарни ҳимоя қилишнинг ҳам иложи бўлмади. Мўғуллар шаҳарга бостириб кириб, барча тирик жонни қиличдан ўтказишди. Фақатгина шаҳар остида қилинган йўлларга

кириб жон сақлаганлар омон қолди. Дизак шаҳри мўғуллар томонидан ер билан яксон қилингандан сўнг Абу Ҳасан қарвонсаройи, Худойсар қишлоғи ва ундаги ҳарбий истехком текислаб ташланади. Унинг ёнгинасида темир эритиш қорхонаси бўлган Мирасманда шаҳрида ҳам ҳаёт бутунлай тўхтади. Қишлоқлар ҳам хувуллаб, қабристонга айланиб қолади [38:304-310].

Уструшанада мўғуллар истилоси жуда катта вайронагарчилик, шафқатизлик келтиргани билан тарихда қолган. Қайд этиш жоизки, Мўғуллар истилоси натижасида Уструшананинг энг йирик икки шаҳри – Бунжикет билан Зомин ўз аҳамиятини йўқотгач, аста-секин Ўратепа етакчи мавқе касб этиб борди. Бу ер темурийлар давлати таркибидаги ўлкалардан бирининг марказига айланиб, унда кўплаб ҳашаматли иморатлар барпо этилган [39:121].

ХУЛОСА

Уструшана мамлакатининг қадимги даври тарихи юнон-рим манбаларида тилга олинсада, келтирилган тарихий маълумотлар кўплаб тушунмовчиликлар, мунозарали ва гумонли фаразларни келтириб чиқаради. Манбаларнинг кўпчилигида айни бир воқеа ва у ердаги шахсларнинг фаолияти турлича талқин қилинади. Шундай бўлсада, юнон-рим тарихчиларининг асарлари Уструшана тарихини ўрганишда илк бирламчи манбалар саналади.

Хитой ва араб манбаларида келтирилган маълумотлар эса, Уструшана мамлакатида кечган сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт бўйича муҳим бўлиб, кўпгина масалаларни илмий аниқлашга имкон беради. Бу асарларда Уструшананинг тарихий-географик жойлашуви, аҳолисининг урф-одалари, ҳўжалик тутуми, уструшаналикларнинг араб босқинига қарши олиб борган кураши ҳамда афшинлар шажараси ҳақида қимматли маълумотлар ўз аксини топган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Абдуҳалимов Б.А. “Байт ал-ҳикма” ва Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти (IX-XI асрларда аниқ ва табиий фанлар). – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2010. – 264 б.
2. Пардаев М.Ҳ., Б.Б.Тўйчибоев. Уструшона қадимда ва илк ўрта асрларда (Ёзма ва археологик манбалар асосида). – Т.: “Fan va texnologiya”, 2017. – 348 б.

3. Строецкий В.М. Введение к “Исторической библиотеке” Диодора Сицилийского и его историко-философское содержание. Санкт-Петербург, при ИМП АН., 1774. – 670 с.
4. Юстин. Эпитома сочинения Помпея Трога «Historia Philippiacae». Диодор. Историческая библиотека. Книга XVII. - Рязань: Александрия, 2005.
5. Гафуров Б. Таджики. – М.: Изд-во “Наука”, 1972.
6. Лютов М.М. Александр Великий в Туркестане. Ташкент, типо-литография С.И. Лахтина, 1890.
7. Арриан Флавий. Анабасис Александра или история паходов Александра Великого. Пре. с древнегреч. М.Е. Сергеевко. –М.-Л., Изд. АН СССР. 1962.
8. Квинт Курций Руф. История Александра Македонского. Сохранившиеся книги. Издательство Московского Университета, 1963.
9. Аълам З. Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. – Тошкент. “Юрист-медиа маркази” нашриёти, 2008.
10. Негматов Н.Н. Историко-географический очерк Усрушаны с древнейших времен по X в.н.э...
11. Грицина А. А., Сверчков Л. М. Археологические исследования в Сырдарьинской области. // ИМКУ Вып. 23. Ташкент, 1990.
12. Toshboyev F.E. Ustrushona chorvadorlarining antic davrdagi madaniyati. Toshkent, «TAFAKKUR QANOTI» 2014.
13. Жабборов И. Буюк Хоразмшоҳлар давлати: (Қадимий тарих саҳифалари). - Т.: Шарк, 1999.
14. Пардаев М.Х. Археологические работы на Расулбайкултепа. // ИМКУ. Вып. 26. Ташкент, 1992.
15. Мухаммаджонов А.Р. Ўзбекистон тарихи. (IV асрдан – XVI аср бошларигача). Тошкент, 2004.
16. Гумилев Л.Н. Эфталиты и их соседи в VI в. // ВДИ. – 1959. –№ 1.
17. Негматов Н.Н. Усрушана в древности и раннем средневековье. – Сталинабад. 1957.
18. Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане.
19. Абу Хафс Умар ибн Мухаммад ан-Насафий. Ал-Қанд фи зикр уламо Самарқанд / Назар Мухаммад ал-Форйобий таҳрири остида. – Саудия Арабистони: Мактабат ал-Кавсар, 1991. – 622 б.
20. Сверчков Л.М. Замок Мык и его округа. // Древний Заамин. – Ташкент. 1994.
21. Bosworth C. E., Bolshakov O. G. Central Asia under the Umayyads and the early Abbasids / History of civilizations of Central Asia /Ed:Bosworth C. E., Asimov, M. S. – Delhi: UNESCO, 1998.
22. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М.: ГРВЛ, 1970. – 288 с.
23. Исоҳоков М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Т.: Фан, 1992. – 58 б.
24. История атТабари. Избранные отрывки // Перевод с араб. В.И.Беляева. Дополнения к переводу О.Г. Большакова и А.Б. Халидова. – Т.: Фан, 1987. – 441 с.
25. Низом ал-Мулк. Сийасет-Намэ / Пер. Б.Н. Заходера. – М.-Л., 1949.
26. Bregel Y. An Historical Atlas of Central Asia (Handbook of Oriental Studies. Section 8 Uralic & Central Asi). – Brill, 1999 – 260 p.
27. Deom J.M. Islamization and Early Sufism in Central Eurasia during the Pre-Mongolian Period ... – 380 p.
28. Negmatov N. N. The Samanid state / History of civilizations of Central Asia. A.D. 750 to the end of the fifteenth century / Ed: Bosworth C. E., Asimov M. S. – Delhi: UNESCO. 1998.
29. Ömer Soner Hunkan. Türk Hakanlığı (Karahanlılar) Kuruluş-Gelişme-Çöküş (766-1212). – Istanbul: Tanıtım Hizmetleri Ticaret Limited Şirketi, 2007.
30. Садруддин Абу-л-Ҳасан Али ибн Носир ал-Ҳусайний. Зубда ат-таворих: Ахбору-л-умаро ва-л-мулк ас-Салжукиййа. – Байрут: Дор икра, 1985.
31. Reşat Genç. Karahanlı Devlet Teşkilatı (XI-XII. Yüzyıl). – Istanbul: Kültür Bakanlığı Yayınları, 1981.
32. Бекмирзаев И.И. Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорийнинг «ал-Муҳит» асари ва унинг Мовароуннаҳр қозилигида тутган ўрни: Тар. фан. номз.... дис. – Т.: ТИУ, 2009.
33. Хусомуддин ас-Садр аш-Шаҳид ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Моза. Умдатул муфтий вал-мустафий / Нашрга тайёрловчи Муслим Ризқи Ато. – Т.: “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2018. – 328 б.
34. Гумилёв Л. Н. Появление царя-священника // Поиски вымышленного царства. Сер. альманахов «Сочинения Л. Н. Гумилёва», вып. 1. Москва: Институт ДИ-ДИК. 1997.
35. Иброҳим Қофас ўғли. Хоразмшоҳлар давлати тарихи. – Анкара (Туркия), 1956.
36. Гордлевский В.А., Избранные сочинения, т. (Государство Сельджукидов Малой Азии). – М., 1960.
37. Агаджанов Салжукийлар Давлати, Государство сельджукидов в Средней Азии в XI-XII вв., М., 1991.
38. Носиров Ў. Жиззахдан айтар сўзим. – Тошкент: “Экстремум пресс” нашриёти, 2011. – 366 б.
39. Рахимов Н.Т. История Уратюбе по археологическим данным. Автореф.дис. ... канд. ист.наук. – Самарканд, 1989.